

ОГАХИЙНИНГ “ГУЛШАНИ ДАВЛАТ” ТАРИХИЙ АСАРИДА САЙИД МУХАММАДХОН ХОНЛИК ДАВРИ ВОҚЕАЛАРИ ТАФСИЛОТЛАРИ

*Матякубов Шоназар Собирович, Хоразм Маъмун
академияси катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*



<https://orcid.org/0009-0003-0888-2941>

e-mail:

shonazarmatyobovv@qmail.com

DETAILS OF THE EVENTS OF THE PERIOD OF SAYID MUHAMMAD KHAN KHANY IN AGAHI'S HISTORICAL WORK “GULSHANI DAVLAT”

*Matyakubov Shonazar Sobirovich, Senior Researcher of the
Khorezm Mamun Academy, Doctor of Philosophy in Historical
Sciences, (PhD)*

ПОДРОБНОСТИ СОБЫТИЙ ЭПОХИ САИДА МУХАММАДХАНА В ИСТОРИЧЕСКОМ ТРУДЕ “ГУЛЬШАНИ ДАВЛАТ” ОГАХИ

*Матьякубов Шоназар Собирович, старший научный
сотрудник Хорезмской академии Маъмуна, доктор
философии по историческим наукам (PhD)*

Аннотация: Мақолада Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Гулишани давлат” тарихий асарида Хива хони Саййид Муҳаммадхон ва хонлик воқеотларига оид маълумотлар берилди.

Калим сўзлар: Хоразм, Хива, Мунис, Огаҳий, “Гулишани давлат” Саййид Муҳаммадхон, тарих, Бухоро, Қўқон, Хуросон ўзбек, туркман, ёвмут, жамшидлар.

Abstract: The article provides information about the events of the Khiva Khan Sayyid Muhammadkhan and the khanate in the historical work of Muhammad Riza Ogahi “Gulshani Davlat” (The State of the Golden Horde).

Keywords: Khorezm, Khiva, Munis, Ogahi, Sayyid Muhammadkhan “Gulshani Davlat” (The State of the Golden Horde), history, Bukhara, Kokand, Khorasan, Uzbeks, Turkmen, Yavmut, Jamshids.

Аннотация: В статье представлены сведения о Хивинском хане Сайид Мухаммад-хане и событиях ханства в историческом труде Мохаммада Ризо Огахи “Гульшани давлат”.

Ключевые слова: Хорезм, Хива, Мунис, Огахи, “Гульшани давлат”, Сайид Мухаммад-хан, история, Бухара, Кокан, Хорасан, Узбеки, Туркмены, Явмут, Джамшиды.

КИРИШ. XVII-XIX асрлар Хоразм хонлиги маданият ҳаёти учун характерли бўлган хусусиятлардан биттаси тарихий асарлар яратиш эди. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида бошланган бу анъана Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳийгача давом этади. Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли Огаҳийнинг тарихга оид

асарлари “Риёз уд-давлат” хонлигининг 1825-1842 йил воқеалари, “Зубдат ут-таворих” 1843-1846 йил воқеалари, “Жомеъ ул-воқеоти султоний” 1846-1855 йил воқеалари, “Гулишани давлат” 1856-1865 йил воқеалари, “Шоҳиди иқбол” 1866-1872 йил воқеалари Хоразм хонлиги тарихи ёритиш бўйича асосий манбалардир. Республикамиз илмий ташкилотларида Мунис ва

Огаҳийнинг тарихий асарларини ўрганиш ва оммалаштириш борасида шу пайтгача талайгина илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ўзбек тарихчилари билан бир қаторда рус шарқшунослари ҳам Мунис ва Огаҳий тарихий асарларини ўрганиб, ўзларининг ижобий фикрларини билдириб ўтганлар, шу ўринда рус академик олими В.В.Бартольднинг фикрларини келтириб ўтиш мумкин. В.В.Бартольд Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларига бундай баҳо беради: “Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар қанчалик камчиликка эга бўлмасин, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларни анча орқада қолдиради”[1].

ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Огаҳийнинг “Гулшани давлат” тарихий асари Хоразм тарихига бағишланган бешта асарининг тўртинчи асаридир. Мазкур асарда Хива хонлиги ҳудудида 1856-1865 йилгача Саййид Муҳаммадхон ҳукмронлик қилган даврларида бўлган воқеалар ўз аксини топган. Ушбу асарнинг ҳозирги кунда учта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, битта нусхаси Ўзбекистонда Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида, қолган иккита нусхаси эса Россия Фанлар академияси қўлёзмалар институти фондида сақланмоқда. Хива хони саройи кутубхонасида сақланаётган бир нусха 1873 йилдаги Россия босқинида А.Кун томонидан олиб кетилган ва 1890 йилда Россиядаги Осиё музейига сотилган. Яна бир нусхаси А.Н.Самойлович томонидан 1908 йилда Хивадан Россияга олиб кетилган. “Гулшани давлат” асарини эски ўзбек ёзуvidан Ш.Воҳидов ва Қ.Алланбой қизи табдил этиб, изоҳ ва луғатларни тузганлар.

МУҲОКАМА. Асар муқаддимасида Огаҳий ўзининг исми ва таҳаллусини, шунингдек Мунисга яқин қариндош эканлигини ва кўп вақтлардан буён жаннатий ва маърифатпарвар подшоҳларнинг марҳамати билан тарихий воқеотлар тўғрисида асарлар ёзишдан ниҳоятда мамнун эдим деб қуйидаги маълумотни ёзиб ўтади: “...камина Муҳаммад Ризо Мироб ал-мулаққаб би-л-Огаҳий – биродарзода ва дастпарвардайи Мунис мироб, неча айёмдин бери подшоҳи жаннатжойгоҳлар ва шаҳаншоҳи

маърифат-паноҳларнинг марҳамати мулкиона ва илтифоти хусравоналаридин воқеъот забти ва тарих рабтига маъмур ва ул амр воситаси била аҳли олам орасида ниҳоятсиз мубтаҳиж ва масрур эрдим”[2] дейди. Хива хони Қутлуғ Муродхон Абдуллахондан кейин 18 ярим ёшида 7 ой хонлик тахтида ўтирди. Муҳаммад Ниёзбий туркман ёвмутларнинг қўллови билан хонни Аркдаги қора уйида ўлдиради ва унинг жиғали телпагини бошига кийиб тахтга ўтиради. Муҳаммад Ниёз тахтда ўтириб Ёқуб меҳтарни ўз олдига аркка чақиради. Лекин Ёқуб меҳтар унинг олдига бормади ва арк дарвозасини эгаллаб олади, навкарлар билан келиб қалъа устида туриб, Арк ичидаги ёвмутларга қарши қирғин бошлайди. Шаҳар халқини ёвмутларга қарши қўзғаб, ёвмутни қалласини кесиб келтирганларга ўн тилла, уни тирик келтирганга йигирма танга берамиз жар солиб қичқиради. Халқ ёппасига қўлига қурол, найза, қилич олиб, ёвмутларни ўлдира бошлайди. Ёқуб меҳтар бошчилигидаги навкарлар қалъа устидан келиб, Арк ичидаги ёвмутларни милтиқлардан отдилар. Навкарлар нишонидан қочиб Арк кўринишхонасида қамалиб қолган қирққа яқин туркман ёвмутларни ва Муҳаммад Мурод маҳрам ёқасидан тутиб, судраб чиқарган Муҳаммад Ниёзбийни Аркдан чиқариб қатл этдилар. Бу ҳақда Огаҳий деб ёзади: “Ва аркони давлат жонбозларидин шижоаттавъом Муҳаммад Мурод маҳрам фармони қазожараён қуввати била балойи ногоҳондек даҳлизга югуриб, ажалчангал бозусининг нируси била Муҳаммад Ниёзбийнинг яқасидин тутуб, судраб ташқарига чиқардилар. Дарҳол ҳукми олий мужиби била ани дағи укубат маҳбасида маҳбус, балки адам зиндониға солиб, мафқуд ва матмус эттилар[3]. Шундан сўнг Ёқуб меҳтар бошқа аёнлар билан маслаҳатлашиб, Саййид Муҳаммадхонни Хива тахтига муносиб кўришиб, милодий 1272, ҳижрий 1856 йил 12 феврал душанба куни, 33 ёшли Саййид Муҳаммадхонни тахтга чиқаради. Барча аркони давлат, шахзода ва тўралар, фозилу-фузало ва шоиру-тарихчилар хон ҳазратларини муборакбод этганликлари ҳақида Огаҳий қуйидагича ёзиб қолдиради: “Ва ҳамул қаср фазосида Хивақ музофотининг жамии уламову кузот ва кубарову содоти, барча олиймакон шахзодалар ва гардунтавон озодалар ва аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва жумлаи машоҳиру

аъроф ва акобиру ашроф иттифоқ била мазкур бўлган кун, яъни товушқон йили хуршиди рахшоннинг сабиҳ ул-важҳ Юсуфи далв буржининг йигирма учунчи даражасидин намоён эрди, таърихи ҳижрия минг икки юз етмиш иккида, жумоди ус-соний ойининг бешида, душанба куни улуғ чошт вақтидаким, соати саодатосор ва ахтари шарофатшиор эрди”[4]. Хон тахтга ўтиргандан кейин янги лавозим амир ал-уламо мансабини таъсис этди ва оғаси Саййид Маҳмуд тўрани шу мансаб билан сийлади ва шу йўл билан тахт даъвогарлигидан ҳам кутилди. Амир ал-умаро Хива хонлигидаги ҳарбий қўшинларнинг бош қўмондони лавозими бўлиб, Муҳаммад Амин иноқ даврида Фозилбий ҳам шу лавозимда ишлаган эди, лекин шундан кейин бу лавозим ҳеч кимга берилмаган эди. Амир ал-умаро лавозимининг маоши ҳаммадан кўп, йилига 500 тилло бўлиб, яна бир неча вилоятлар унга беркитилган эди. Бу ҳақда Огаҳий шундай деб ёзади: “... шаҳзода Саййид Маҳмудни инояти хисравониға махсус ва авотифи мулуконаға машмул тутуб, муборак жулуининг учинчи куниким, жумод ус-соний ойининг еттиси ва чаҳоршанба куни эрди, амир ал-умаро мансаби олийсин арзони тутуб ва андоғ иззатлиғ мансаб маснадида ўлтуруб, умарои аъзам ва кубаройи зу-л-ихтиром орасида садрнишинлик даражаси била сарфроз, балки анжам хайли ўртасида хуршиди жаҳонтоб амир ул-умаросидек мумтоз қилди”[5]. Ушбу бўлиб ўтган воқеликни Огаҳий назм йўлида ҳам талкин этади:

“Ул сарафрози жаҳон, мазҳари жуд,
Фаҳри олам орасида Саййид Маҳмуд.
Бўлди иззат била бу олам аро,
Шоҳ лутфидин амир ул-умаро” [6].

Шундан кейин Саййид Муҳаммадхон хонлик учун қилган хоинлиги ва қотиллиги учун ўлдирилган Муҳаммад Ниёз девонбеги ўрнига Муҳаммад Мурод маҳрамни содиқ ва самимий хизматларини инобатга олиб, қадрини баланд, мартабасини олий қилиб, закот йиғиш ва девонбегилик мансабига лойиқ кўради. Бу ҳақда Огаҳий: “Ва ҳамул кун ул ҳазрат камоли карам ва ғояти мурувватидин Муҳаммад Ниёз девонбегини музаккийлик ва девонбегилик мансабидин маъзул этиб, анинг ўрниға ул хизматкори қадимий ва жонсипори самимий ихлоставъом, никушайам Муҳаммад Мурод маҳрамни закот аҳзига омил ва девонбегилик

мансабининг олий даражасиға восил қилиб, аркони давлат ва аъёни ҳазрат орасида қадриға баландлик ва мартабасиға аржумандлик еткурди”[7]. Шунингдек хон яна бир неча амалдорларни янгилади. Қутлуғ Муродхон томонидан ёвмутлар билан урушда мағлуб бўлиб, асирга тушиб қолган Муҳаммад Ниёзбийни ўрнига бий лавозими берилган Оллоқулихоннинг ўғли Раҳимбердибийнинг нолайиқ ҳаракатлари сабаб лавозимидан маҳрум этиб, унинг ўрнига Оллоқулихоннинг яна бир ўғли Маҳмуд тўрани бий этди. Бу ҳақда Огаҳий: “...нолайиқ ҳаракатлар сабаби била Раҳимбердибий ибн Аллоҳберди тўранинг ҳоли саҳифасиға азл рақамини чекиб, анинг ўрниға олийшон, рафъмакон, манзалатнишон, ҳимматтавамон, зубдаи арбоби вужуд шаҳзода Саййид Маҳмуд валади аршади подшоҳи жаннатмакон Аллоҳқули Баҳодирхон сақаллоху сиррахуни авотифи мулуконаға махсус тутуб, бийлик хилъати ҳосин комати қобилиятиға ихтисос бериб, умаройи изом ва кубаройи зулаҳшом орасида садрнишин қилиб, зурвайи мартабасин аълоий илийиндин ўткарди” [8] деб ёзади. Юқорида зикр этилган Қутлуғ Муратхон ўлдирилиши ва тахтдан ағдарилиши натижасида Хива халқининг Муҳаммад Ниёзбий бошлаб келган ёвмутларга қарши бошланган қатли ом яъни оммавий қирғинда милтиқ ўқи ва қилич тиғидан ажали етмай тирик қолган айрим ёвмутлар юз меҳнат ва минг машаққат билан қочиб қутулиб, ўлар ҳолатда ҳазрат Исми Маҳмуд ота макбарасидаги ёвмут қавми ўбасига жам бўлдилар. Бу ҳақда Огаҳий: “Бу ижмол тафсилоти улким, Қутлуғ Мурадхон жаннатмаконнинг қиёматнишон воқеаси ҳангомидаги қатли омда Хивақ шаҳрининг суккон ва фуқаросининг жалодатнишон шужаоъси тиғи зарбидан баъзи ажали етмаган ямут муфсидлари юз меҳнат ва минг машаққат била қочиб, қутулуб, ўлум ҳолида Исми Маҳмуд ота алайҳи-т-таҳийот ва-с-санонинг макбарайи пурсафоси ҳаволисидаги ямут ўбасиға ҳар тарафдин бориб, жамъ бўлдилар” [9] деб маълумот беради. Огаҳий ўзининг “Зубдат-ут-таворих” тарихий асарида маълумот беришича, Раҳимқулихон отаси Оллоқулихон даврида унинг фармони билан ҳижрий 1843 йилда Эрон юришига отланади. Ушбу сафар чоғида Хуросоннинг Бодгис музофотига қарашли Кўшк

ва қоратепа мавзеларида яшовчи жамшидия оқимга мансуб аҳоли Раҳимкулихонга Ҳирот ҳокими Шоҳ Комрондан шикоят қиладилар. Улар шоҳнинг зулми ҳаддан ошгани, жамшидия оқимига мансуб аҳолининг молларини талон-тарож этиб, аёллари ва болаларини қул қилиб сотаётганини билдириб, хондан мадад сўрайдилар. Бу ҳақда Огаҳий “Зубдат-ут-таворих” асарида шундай маълумот беради: “Бу ижмол тафсили улким, жамшидия тавойифининг мавотин ва масокини Хуросон вилоятидин Бодғис музофотида Кўшк ва Қоратўпа отлиғ мавозеъда эрди. Ва Ҳирот волийси Шоҳ Комрон аксар авқот ул жамоага таҳаккумот ва тасаллутот кўргузуб, зулми сарих ва тухмати қабих била амвол ва мавоший, асбоб ва ҳавошийсиға яғво ва торож еткурур эрди. Балки аксар аёл ва атфолларин қизилбош атаб, атроф ва жавонибдағи вилоятларға сотар эрди”[10] дейилади. Раҳимкули Эрон сафарини қолдириб, жамшидларга ёрдам беришга қарор қиладди ва ўн беш мингдан зиёд уйлик элатни Хуросондан Хоразм диёрига кўчириб келади. Саййид Муҳаммадхон даврига келиб эса ўн беш йилча Хоразмда яшаган жамшидия халқи асли ватани бўлмиш Хуросонга кўчиб кетиши бошланади. Уларнинг кўчиши сабаблари ҳақида Огаҳий қуйидагича маълумот беради: “...ноаҳил бегонаға ошнолиғ умиди била бир ният қилмоқ йилондин дўстлиғ тилаб, қўйн ичра парвариш кўргузмакдур. Ва ноқобил бедавлатга беҳуда тамъа била мурувват этмак шўразордан гул кўкармоқ истаб, тухум сочмоқ расмин тузмакдур. Нединким, анга ҳар нечаким тарбият қилсанг, ҳаргиз бегоналиғ зойил бўлмас ва мунга ҳар нечаким, мурувват этсанг, асло бедавлатликдан ўзга нима ҳосил бўлмас!”[11] деб ёзади ва яна уларнинг кўчиб кетишларидан норизо бўлиб: “ул тоифа Хоразм подшоҳларидин кўп тарбият ва шафқатлар кўрдилар, аммо сўнгроқ хизматкорлиғ ва жонсипорлиғ русумин аён қилмоқ вақти етушган ҳолда кўрнамаклик кўргузиб, мувофиқат ўрниға муҳолифат осорини намаён эттилар”[12] дейди ва Огаҳий яна бир маълумот, яъни жамшидийларнинг Хуросондан Хоразмга кўчиб келиш вақтини яъни ҳижрий

1257, милодий 1841 йил ҳақида, шунингдек уларга Қиличнӣёзбой қалъаси жой бериб, ўзлари хоҳлаган ерига экин экиб зироат олишлари имконияти берилганлиги ҳақида ҳам маълумот беради: “Чун Раҳимкулихони жаннатмакон отаси мағфиратнишон Аллоҳқули Баҳодирхоннинг фармони била анинг зафариқтиро замонида сигир йили, санайи минг икки юз эллик еттида сипоҳи бекарон била Хуросон мамлакатаға бориб, мазкур тоифани Хоразм вилоятига кўчуруб келтуруб, Қиличнӣёзбой қалъаси тавобеъидин ўзларининг хоҳлаган еридин маъво ва сукно ва зироатгоҳ таъйин этти”[13] дейилади.

ХУЛОСА. Огаҳий асарлари қаторидаги “Гулшан давлат” асари Огаҳийнинг бу асаридан олдинги тарихий асарларидаги воқеотларни янада тўлдириши ва бойитиши билан бир қаторда Хива хони Саййид Муҳаммад даври хонлик воқеотлари тўғрисида қимматли маълумотларни тақдим қиладди. Тарихий асарда келтирилган воқеа ва ҳодисотлар тасвири Хоразм тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар учун қимматли илмий манба бўлиб хизмат қиладди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бартольд .В.В.История культурной жизни Туркестана. Л.1927. стр.113.
2. Огаҳий “Гулшани давлат”. Асарлар .6-жилд. Т.: Sharq. 2020.-6б.
3. Огаҳий. Гулшани давлат. Асарлар. 6-жилд. Тош.Sharq: 2020.-20б.
4. Огаҳий. Гулшани давлат Асарлар.6-жилд. Тош. Sharq: 2020.-21б.
5. Ўша жойда, 32 бет.
6. Ўша жойда.
7. Ўша жойда, 33 бет.
8. Ўша жойда.
9. Ўша жойда, 35бет.
10. Огаҳий. “Зубдату-т-таворих” Асарлар.3-жилд. Тош.Sharq: 2020.-84б.
11. Огаҳий. Гулшани давлат. Асарлар.6-жилд. Тош. Sharq: 2020.-3б.
12. Ўша жойда, 37 бет.
13. Ўша жойда.